

МАМЛАКАТ ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТАРМОҒИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МУАММОСИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

ОБЩЕЕ ОПИСАНИЕ ПРОБЛЕМЫ УЛУЧШЕНИЯ ТЕЛЕКОММУНИКАЦИОННОЙ СЕТИ СТРАНЫ.

A GENERAL DESCRIPTION OF THE PROBLEM OF IMPROVING THE COUNTRY'S TELECOMMUNICATIONS NETWORK

Турсунов Аваз Абдукаримович
“Ўзбектелеком” Акциядорлик компанияси
Хужжат алмашинуви ва назорат хизмати бошлиги

Калит сўзлар:

телекоммуникация тармоғи, ноишлаб чиқариш соҳаси, тенденциялар, диверсификация, консерватив истеъмолчилар, мультимедиа дастурлари, таркибий модуллар, кенг полосали уланиш тармоқлари

Ключевые слова:

телекоммуникационная сеть, непроизводственная отрасль, тенденции, диверсификация, консервативные потребители, мультимедийные приложения, контент-модули, широкополосные сети связи

Keywords:

Telecommunications network, non-manufacturing industry, trends, diversification, conservative consumers, multimedia applications, content modules, broadband connection networks

Аннотация:

Замонавий иқтисодиётнинг ривожланишидаги асосий тенденциялари ахборот технологияларини ривожлантириш орқали ноишлаб чиқариш соҳаси улушининг кўпайтириш, ишлаб чиқариш соҳасининг моддий-техник базасининг сифат таркибини такомиллаштириш, фаол ахборот ҳамкорлигига асосланган ва йўналтирилган ижтимоий-иктисодий жараёнларни ҳамда Телекоммуникация хизматлари бозорининг ривожланиши, унинг мураккаблашиши ва диверсификацияси телекоммуникация компанияларига, тақдим этилаётган хизматларнинг сифати ва турларига нисбатан янги талабларни шакллантиришни назарда тутади.

Annotation:


к основным тенденциям развития современной экономики относятся увеличение доли непроизводственного сектора за счет развития информационных технологий, повышение качественного содержания материально-технической базы производственного сектора, социально-экономические процессы, основанные и ориентированные на активное информационное взаимодействие, развитие рынка телекоммуникационных услуг, его усложнение.

Annotation:

The main trends in the development of the modern economy include the increase in the share of the non-productive sector through the development of Information Technologies, the improvement of the

quality content of the material and technical base of the production sector, socio-economic processes based and oriented to active information cooperation, the development of the telecommunications services market, its complexity

Замонавий иқтисодиётнинг ривожланишидаги асосий тенденциялари ахборот технологияларини ривожлантириш орқали ноишлаб чиқариш соҳаси улушининг кўпайтириш, ишлаб чиқариш соҳасининг моддий-техник базасининг сифат таркибини такомиллаштириш, фаол ахборот ҳамкорлигига асосланган ва йўналтирилган ижтимоий-иктисодий жараёнларни назарда тутади.



1-расм. Ўзбекистон Республикаси телекоммуникация инфратузилмасининг ҳолати

Телекоммуникация хизматлари бозорининг ривожланиши, унинг мураккаблашиши ва диверсификацияси телекоммуникация компанияларига, тақдим этилаётган хизматларнинг сифати ва турларига нисбатан янги талабларни шакллантиришга олиб келади. Бу телекоммуникация бозорининг ҳолати ва мамлакатнинг жаҳон миёсидаги рақобатбардошлигини аниқлайдиган ягона глобал ахборот-коммуникация алоқаларига қўшилишини таъюзо этади. Шу нуқтаи назардан, мамлакатимиз телекоммуникация бозорини ўрганиш, муаммоларни аниқлаш ва уни ривожлантиришнинг истиқболли йўлларини излаш долзарб муаммо бўлиб, уни ҳал қилиш вазифасини ушбу бозордаги миллий операторларнинг фаoliyatini таҳлил қилмасдан амалга ошириб бўлмайди.

Мамлакатимиз телекоммуникация бозорининг ривожланиш тенденциялари соҳада фаолият олиб бораётган фирма ва компанияларнинг телекоммуникация тармоғини ривожлантириш муаммосини хал этишдаги роли ва ўрнини белгилаш нуқтаи назаридан кўриб чиқилиши лозим. Экспертлар телекоммуникация компаниялари ривожланишининг асосий муаммолари сифатида ахборот технологиялари бозоридаги йирик корпорациялар томонидан миллый операторларни ўз таркибига тортиб олишга қаратилган қўшилиш ва сотиб олишларнинг фаоллашиши билан ифодаланади.

Телекоммуникация бозорини ривожлантиришнинг ҳозирги тенденциялари маҳаллий операторлар учун бир қатор чекловларни юзага келтиради. Бу чекловлар, йирик компаниялар осон фойдалана оладиган кенг миқёсли иқтисод ва кредитлар олишни қийинлаштирадиган фаолиятнинг ўзига хос хусусияти, шунингдек мазкур бозорда хизматларни тақдим этишнинг технологик хусусиятлари туфайли шаклланган консерватив истеъмолчилар мавжудлиги билан тавсифланади. Шунга қарамай, миллый алоқа компаниялари нафақат бозорда ўз ўринлари ва имкониятларини сақлаб қоладилар, балки бир қатор рақобатдош устунликларга эга бўлганлиги сабабли телекоммуникация бозорида ўз мавқенини кенгайтириш имкониятига хам эгаларки, мазкур имкониятлардан кенг кўламда фойдаланиш телекоммуникация тармоғини ривожлантиришга олиб келади.

Соҳа эксперталари миллый телекоммуникация компанияларининг ривожланиш истиқболларини белгиловчи омиллар қаторига қўйидагилар киритишади:

- кичик шаҳарлардаги тезкор маълумотларга талабнинг ортиши;
- йирик ва миллый компаниялар учун кичик шаҳарларнинг жозибадорлиги;
- ускуналар ва хизматларнинг тез ўзгарувчанлиги ва сифати;
- минтақавий операторларнинг харакатчанлиги;
- телекоммуникация тармоғи хизматлари турларининг кенгайиши;
- тақдим этиладиган хизматлар ва мултимедиа дастурларининг замонавийлашуви;
- инфратузилмани янгилаш учун глобал харажатларнинг этишмаслиги.

Тўғридан-тўғри фойдаланувчиларга телекоммуникация хизматларини кўрсатиш ва бошқа операторларга телекоммуникация тармоқларини ижарага бериш хизматлари телекоммуникация компанияларини ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари эканлиги қатор амалиётчи олимлар томонидан исботлаб берилган. Бундан ташқари, худудий телекоммуникация компаниясининг ривожланишининг истиқболли йўналиши сифатида худудий маъмурий тизимни ахборотлаштириш билан боғлиқ минтақавий лойиҳаларда иштирок этиш хам таъкидлаб ўтилади. Бундай лойиҳаларда иштирок этиш миллый интернет-провайдерларининг рақобатдошлигини таъминлашда муҳим омил бўлиши мумкин.

Замонавий жамиятнинг хаётий фаолияти турли туман манбалардан ахборот олиш, сақлаш, қайта ишлаш ва уларни узатиш жараёнларини фаоллаштириш ва жадаллаштириш асносида кечади. Иқтисодий ҳаётни доимий равишда ахборотлаштириш глобаллашув жараёнларининг фаоллашувининг натижаси ва асосий сабабидир. Бу эса ўз ўрнида ахборот оқимининг кенгайиши нафақат миқдорий, балки сифатли ҳам бўлган телекоммуникация компаниялари хизматларига талабнинг ошишига олиб келади. Бундан ташқари, телекоммуникация технологияларини фаол жорий этилиши миллый иқтисодиётни жадал ривожлантириш учун зарур шарт бўлиб, иқтисодиётдаги инқироз оқибатларини юмшатишга ёрдам беради. Шу муносабат билан телекоммуникация компанияларининг фаолияти ва умуман ушбу бозорнинг ривожланиши иқтисодий тадқиқотларнинг долзарб обьекти бўлиб қолаверади.



2- расм. Телекоммуникация тармоқлари орқали кўрсатиладиган хизматларни тасарруф этишга ихтисослашган дастурий маҳсулотнинг таркибий модуллари

Г.К.Чугуновнинг таъкидлашига кўра «Телекоммуникация хизматларидан фойдаланишининг ўзи аҳоли ҳёти сифатининг муҳим таркибий қисмига айланиб, соғлиқни саклаш, таълим, маданият, иқтисод, сиёsat ва хавфсизлик сингари барча муҳим соҳаларга билвосита таъсир қиласди»¹. Н.С. Мардер² эса телекоммуникация бозорининг ривожланишининг қўйида қайд этилган глобал тенденцияларга ва соҳанинг ўзига хос хусусиятларига тўлиқ мос келади:

- барқарор бозор эҳтиёжларига жавоб берадиган маҳсулотларига бўлган талабнинг оммавий характеристида намоён бўлиши;
- бозор тузилмаларини фарқлаш;
- ўзаро боғлиқ техник ва ташкилий базадан фойдаланиш;
- янги технологияларнинг пайдо бўлиши натижасида маҳсулот номенклатурасини жадал янгилаш;
- телекоммуникация хизматларини кўрсатиш учун маҳсус шарт ва шароитлар яратиш шулар жумласидандир деб таъкидлайди.

Телекоммуникация бозорида иқтисодий муносабатларни таҳлил қилганда, истеъмолчиларга хизматларни кўрсатиш учун янада қулай шарт-шароитлар ва уларнинг юқори сифатини белгилайдиган юқори даражадаги рақобатни таъкидлаш керак. Бундан ташқари, мутахассисларнинг таъкидлашича, телекоммуникация соҳасининг юқори илмий интенсивлиги ва тақдим этилаётган хизматларга нисбатан мавжуд доимий талаб ушбу соҳанинг етарлича узоқ вақт давомида ўсишини кафолатлайди.

¹ Чугунов Г.К. Рынок телекоммуникационных услуг в России и его влияние на качество жизни // Вестник Московской академии рынка труда и информационных технологий. 2006. № 15 (37).

² Мардер Н.С. Современные телекоммуникации. М., 2006.

Яқин ўтмишда телекоммуникация тармоқлари умумий бўлганлиги сабабли мамлакатимиз билан бир минтақада жойлашган Қозоғистон, Қирғизистон, Тоҷикистон ва Туркманистон, шунингдек Россия Федерациясининг ҳам телекоммуникация тармоқларининг инфратузилмаларининг холатлари бир бирига яқин. Мазкур мамлакатлар иқтисодий ривожланиш бўйича масъул вазирлик ва идораларининг башоратларига кўра, 2030 йилга келиб алоқа хизматлари ҳажми 1,5 баравар кўпайди. Бунда мобил алоқа хизматларининг умумий ҳажмида йирик ва расмий истеъмолчилар билан муносабатлар улушининг, шунингдек мобил телефондан фойдаланишнинг афзалликлари ошиши кузатилади³. Ҳозирги кунда мазкур мамлакатлар телекоммуникация соҳасини қайта қуриш амалга оширилмоқда. Бу жараёнлар, телекоммуникация субъектларининг қўшилиши ва сотиб олинишини жадаллашганлигига ўз аксини топади.

Кузатилаётган мана шу жараёнлар натижсида миллий компаниялар йирик минтақаларро ёки хатто трансконтинентал корпорациялар даражасига чиқиш устувор ривожланиш йўналиши ҳисобланади. Ушбу шартлар минтақавий телекоммуникация компаниялари учун ўз фаолиятини ривожлантириш ва диверсификация қилиш йўлларини излаш зарурлигини белгилайди. Мисол учун россия телекоммуникация компанияларини оладиган бўлсак, телекоммуникация бозори жуда юқори даражада концентрация қилинган бозорларга тегишли. Хусусан россиядаги бешта етакчи телекоммуникация компанияларининг даромади барча компаниялар даромадларининг қарийб 80 фоизини ташкил қиласди. Ушбу соҳадаги даромаднинг 97 фоизи 100 та энг йирик компанияларга тегишилигини кўриш мумкин. Бироқ, Интернетга уланишнинг кўрсатгичлари⁴ бўйича Россия 49 фоиз кўрсаткичи билан атиги 61 ўринни эгаллаб турибди холос. Бундан ташқари, белгиланган Интернет-трафикнинг интенсив ўсиши йилига 1,5 баробарни ташкил этмоқда. 2018 йилдаги савдо ҳажми бўйича Россиянинг 100 та энг йирик телекоммуникацион компаниялари рейтингига йигирмата мустақил минтақавий Интернет-провайдерларнинг ўртacha ўсиш суръати 33,4% ни ташкил этган⁵.

Миллий ва минтақавий телекоммуникация компанияларининг, рақобат шиддат билан ортиб бораётган, телекоммуникация бозорияда ўз ўринларини сақлаб қолишлари ва ривожланиш имкониятлари иқтисодий фаолиятнинг барча соҳаларини ахборотлаштиришнинг умумий тенденциялари, йирик шаҳарларда аҳолиси турмуш даражасининг ошиши билан ўлчанади. Шунга қарамай, ўз вақтида етказиб бериладиган маълумотларга бўлган эҳтиёжнинг ўсиши кичик шаҳарларда ҳам кузатилмоқда ва уларнинг миллий Интернет провайдерлари учун нисбатан паст жозибадорлиги минтақавий телекоммуникация компаниялари ривожланиши учун қўшимча шароит ва имкониятлар яратмоқда.

Телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш лойиҳаларига оид очиқ манбаалардаги маълумотлар таҳлили Марказий осиё мамлакатлари ҳамда яқин ва узоқ хорижий телекоммуникация бозорининг ривожланишини белгиловчи бир қатор омиллар мавжудлиги хақида хулоса қилиш имкониятини яратди. Мазкур омилларни ижобий ва салбий омилларга таснифлашимиз мумкин. Жумладан, ижобий омиллар таркибига:

- телекоммуникациялар соҳасида глобал ҳамкорликни ривожлантириш;
- илмий-тадқиқот ишларининг юқори ҳажми ва инновацион маҳсулотларни жорий этиш;
- тақдим этилаётган хизматлар ҳажми ўсиши ва рақобатдош ахборот хизматлари доираси кенгайиши билан намоён бўладиган маҳаллий саноатни ривожлантириш;
- бозорга кириш тўсиқларини камайтириш;
- радиочастота ресурсларидан фойдаланишни ва алоқа тугунлари миқдорни оптималлаштириш;
- телекоммуникация хизматлари учун истеъмолчилар хуқуқларини ҳимоя қилиш тизимининг шаффоғлиги.

³Прогноз долгосрочного социально-экономического развития Российской Федерации на период до 2030 года. М., 2013.

URL: <http://government.ru> (дата обращения: 30.09.2013).

⁴ Прогноз долгосрочного социально-экономического развития Российской Федерации на период до 2030 года. М., 2013.

URL: <http://government.ru> (дата обращения: 30.09.2013).

⁵ <http://tasstelecom.ru/ratings/one> (дата обращения: 30.09.2018)

Салбий омиллар таркибиға эса:

- технологик муаммолар;
- қийин иқлим шароити;
- истеъмол маданияти йўқлиги;
- телекоммуникация корхоналари фаолиятининг ҳуқуқий тартибга солинмаганлиги;
- худудий нуқтаи назардан телекоммуникация инфратузилмасининг турли хиллиги.

Бундан ташқари, Интернетнинг кенг миқёсда тармоқлашишини таъкидлашимиз лозим.
Жумладан:

- маҳаллий тармоқлар ва маълумотлар базаларини бирлаштирадиган глобал инфратузилмани яратишга қўшган ҳиссаси туфайли телекоммуникация соҳасининг ривожланишига таъсир кўрсатадиган энг муҳим технологик омилнинг мавжудлиги ва уни модернизация қилиш зарурлиги;
- кенг полосали уланиш тармоқларини ривожлантиришга бўлган юқори эҳтиёжни шакллантириш;
- фойдаланувчиларнинг кенг доираси учун ўрнатилган мултимедиа хизматларидан фойдаланиш имкониятларини ошириш.

Шу билан бирга, миллий ва минтақавий телекоммуникация компаниялари истиқболларини таъкидлаб, нархлар рақобатининг кучайишини, тақдим этилаётган хизматларнинг сифати ва турига бўлган талабнинг ошишини белгилайдиган мавжуд бозорни аста-секин тўлдириш тенденциясини ҳисобга олиш керак. Бундан ташқари, телекоммуникация бозорида нархларнинг пасайиши натижасида, қоида тариқасида, қўшилиш ва сотиб олишнинг кучайиши, телекоммуникация хизматлари бозорини монополлаштиришнинг ўсиши юзага келади. Бу эса мазкур фаолиятларининг рентабеллиги туфайли бозорни тарк этишга мажбур бўлган минтақавий компаниялар учун қўшимча таҳдидларни келтириб чиқаради. Йирик компаниялар янада агрессив нарх сиёсатини, кенг миқёсли иқтисодга боғлиқ сиёсатни ёки йирик Интернет-провайдерлар томонидан интеграция орқали қамраб олиш жараёнлари кузатилиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Чугунов Г.К. Рынок телекоммуникационных услуг в России и его влияние на качество жизни // Вестник Московской академии рынка труда и информационных технологий. 2006. № 15 (37).
2. Мардер Н.С. Современные телекоммуникации. М., 2006..
3. Емельянов А. К. Оценка эффективности проектов развития инфраструктуры сетей сотовой связи // Современные проблемы науки и образования. 2013. № 5. С. 424.
4. Ухоботов В. И. Избранные главы теории нечетких множеств. Челябинск: Изд-во Челябинск. гос. ун-та, 2011. 245 с.